

## КАРТОШКАНИНГ ЯНГИ НАВ НАМУНАЛАРИНИ ЭРТАГИ МУДДАТДА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

С.Лапасов

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10897299>

**Аннотация.** Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти хориж селекциясига мансуб бўлган картошка нав намуналарини Тошкент вилояти шароитида навларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш мақсадида Бўстонлиқ ва Тошкент тажриба майдонларига экиб ўрғанилди. Тадқиқотлар натижасида Тошкент вилояти иқлим шароитида эртаги муддатда етиштиришга мос нав-намуналари танлаб ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

**Калим сўзлар:** картошка, коллекция, генофонд, поя сони, ўсимлик бўйи, ҳосилдорлик.

### TECHNOLOGY OF GROWING NEW VARIETIES OF POTATO IN THE FUTURE

**Abstract.** Samples of potato varieties belonging to the foreign selection of the scientific research institute of vegetables, pulses and potatoes were planted and studied in the experimental fields of Bostonliq and Tashkent in order to develop the technology of growing varieties in the conditions of Tashkent region. As a result of the research, it was recommended to selectively produce varieties suitable for cultivation in the climatic conditions of the Tashkent region.

**Key words:** potato, collection, gene pool, stem number, plant height, productivity.

### ТЕХНОЛОГИЯ ВЫРАЩИВАНИЯ НОВЫХ СОРТОВ КАРТОФЕЛЯ В БУДУЩЕМ

**Аннотация.** Образцы сортов картофеля, принадлежащих зарубежной селекции НИИ овощеводства, полевых культур и картофеля, были посажены и изучены на Бостанлыкском и Ташкентском опытных полях с целью разработки технологии выращивания сортов в условиях Ташкентской области. В результате исследований было рекомендовано селекционно вывести сорта, пригодные для выращивания в климатических условиях Ташкентской области.

**Ключевые слова:** картофель, коллекция, генофонд, число стеблей, высота растений, продуктивность.

### КИРИШ

Картошка дунё дехкончилигида майдони бўйича буғдой, шоли, маккажўхоридан кейинги ўринда, ахамияти жихатдан эса иккинчи ўринда туради. Картошка инсон учун муҳим бўлган оқсил, крахмал, турли витаминлар, элементлар ҳамда минерал тузлар манбаидир.

Картошка туганагининг биокимёвий таркиби 75% сув ва 25% қуруқ моддadan иборат. Қуруқ модданинг 70-80% крахмал бўлиб, туганақда унинг миқдори 13-20%, оқсил 2-3%, клетчатка -1%, мой -0,2-0,3%, шақар -1%, қул 0,8-1,0% ни ташкил этади.

Бугунги кунда картошка дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатларида жами 21,5 млн. гектар майдонда экилиб, ҳар йили 351 млн. тоннадан ортиқ картошка ҳосили етиштирилмоқда. Дунёда картошка буғдой, шоли, маккажўхоридан кейинги ўринда,

аҳамияти жиҳатидан эса иккинчи ўринда туради. Картошка инсон учун муҳим бўлган оқсил, крахмал, турли витаминлар, минерал тузлар ҳамда макро ва микро элементлар манбаидир.

#### **Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси**

Эртаги муддатда Тошкент вилояти шароитида картошканинг хориж давлатларидан келтирилган навларини етиштириш технологисини ишлаб чиқиш ҳамда институтнинг генофондни бойитиш мақсадида Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти Голландия селекциясига мансуб бўлган картошка нав намуналарини Бўстонлик ва Тошкент тажриба майдонларига экиб ўрганилди.

Голландия селекциясига мансуб бўлган картошканинг 4 та “Пикассо”, “Эволюшен” “Манитоу” ҳамда “Аризона” нав намуналари тажриба майдонида эртаги муддатда 70×25 см схемада экилди ва назорат сифатида маҳаллий “Пском” нави билан таққослаб синалди.

Картошка нав намуналари экишдан олдин ҳаво ҳарорати +14-18 С<sup>0</sup>, ҳаво намлиги 70-80 % ни ташкил этган махсус хонада нишлатиш (ундириш) учун жойлаштирилди

Тажрибалар олиб бориладиган дала атрофлари тозаланиб, далани бегона ўт илдиэлари қолдиғидан тозаланди. Кузда тажриба даласига гектар ҳисобига 20-25 тонна органик ўғит солинди.

Эртаги муддатда экилган нав намуналарида фенологик кузатув ишлари олиб борилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, назорат сифатида экилган картошканинг “Пском” навининг ниҳолларининг униб чиқиши 10 % 17 кунда, 75 % 25 кунда шоналаши 10% 27 кунда, 75 % 35 кунда, гуллаши 10 % 38 кунда 75% 45 кунда кузатилган бўлса, унга нисбатан “Пиккасо”, “Аризона” “Манитоу” нав намуналарининг 10-75% ниҳолларининг униб чиқиши, шоналаши, гуллаши назорат вариантыдан 2-3 кун эрта бўлган бўлса, “Эволюшен” ҳамда “Пикассо” нав намуналарининг ёппасига униб чиққандан сўнг ўсимликларнинг шоналаши ҳамда гуллаши назорат вариантыга нисбатан 1-2 кунга кеч бўлганлиги фенологик кузатувларда ўз аксини топди.

Голландия селекциясига мансуб картошка навларининг бир туп ўсимликдаги поя вазни, барглар сони ва барг сатҳи бўйича кўрсаткичлари ҳам ўрганилди. Картошка нав намуналарининг бир туп ўсимликдаги поя вазни, барг сони, бир туп ва бир гектар майдондаги ўсимликларнинг барг сатҳи кўрсаткичлари бўйича назорат “Пском” навида поя вазнининг оғирлиги 320 г ни, барглар сони 410 донани, барглар сатҳи 60,7 дм<sup>2</sup> ни ташкил этган бўлиб, “Пикассо”, “Эволюшн”, “Аризона” картошка намуналарининг бир туп ўсимликдаги поя вазни, барг сони, бир туп ва бир гектар майдондаги ўсимликларнинг барг сатҳи кўрсаткичлари назорат вариантыдан 12,9 – 16,6 % гача юқори, “Манитоу” навининг бир туп ўсимликдаги поя вазни, барг сони, бир туп ва бир гектар майдондаги ўсимликларнинг барг сатҳи кўрсаткичлари назорат “Пском” навидан 1-2 фоизга паст бўлди.

Голландия селекциясига мансуб бўлган картошка навнамуналарининг бир тупдаги туганак оғирлиги умумий ҳосилдорлик ҳисоб-китоб қилинганда назорат “Пском” навида бир тупдаги туганак вазни ўртача 430 г ни ташкил қилган бўлса, “Пикассо”, “Эволюшн”, “Аризона” нав намуналарда ўртача туганаклар вазни 565, 560, 580, 465 г ни ташкил этган бўлса, бир гектар майдондаги ўртача ҳосилдорлик 32,2; 31,9; 33,0; т/ни ташкил этди ҳамда назорат вариантыдан 31,4 фоиздан 34,7 фоизгача юқори бўлганлиги тажрибаларда ўз аксини

топди. “Манитоу” навининг бир тупдаги туганаклар вазни 428 г ни, ҳамда бир гектар майдондаги ҳосилдорлиги 24,4 т/ни ташкил этди назорат вариантыга яқин бўлганлиги тажрибаларда ўз аксини топди.

#### **ХУЛОСАЛАР**

1. Стандарт “Пском” навида ўртача ҳосилдорлик 20,5 т/га ни ташкил этган бўлса, энг юқори ҳосилдорлик “Пикассо”, “Эволюшн”, ҳамда “Аризона” навларида мос равишда 23,9; 24,5; 23,9; 23,1 т/га, ёки стандартга нисбатан 12,7 – 19,5 фоизга юқори бўлди. Бир йиллик тажрибаларга натижаларига кўра “Монитоу” нави назорат навига нисбатан ўртача ҳосилдорлик 4,4 фоизга кам бўлди.

2. Синалган нав намуналарида асосан фузариоз касаллиги кўпроқ учраб, назорат навида зарарланган ўсимликлар 16 % ни ташкил этган бўлса, “Пикассо”, “Эволюшн”, “Аризона” нав намуналарида 8-10 фоизни, Фузариоз касаллиги билан кучли зарарланиш ҳолати “Мантоу” 18 фоизни кузатилган бўлса, фитофтороз касаллиги билан зарарланиш 12 % ни ташкил этди. Бошқа нав намуналари фитофтороз касаллиги билан зарарланиш стандарт навга нисбатан сезиларсиз бўлди.

3. Бир йиллик тажрибаларга асосланиб ишлаб чиқаришга Тошкент иқлим шароитида эртанги муддатда, 70×25 схемада “Пикассо”, “Эволюшн”, “Аризона” навларини экишга тавсия этилади.

#### **REFERENCES**

1. Зыкин А.Г. – Картофель. // С.Петербург, 2000. –С. 192
2. Эргашев И.Т., Абдукаримов Д.Т., Остонакулов Т.Э. – Картошканинг вирусиз уруғчилигига оид тавсиялар. // Тошкент, 2005. –Б. 36.
3. Остонакулов Т.Э., Нишонов Н., Бурхонов Ш. – Ёзда янги қовланган туганакларни экишга мос картошка навлари. // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. Тошкент, 2001. № 3. –Б. 29-31.
4. Остонакулов Т.Э., Хамзаев А.Х. Ўзбекистонда картошкачиликнинг илмий асослари. // Тошкент, “Фан”, 2008. –Б. 465.
5. A.Shokirov, S.Lapasov, O.Ismoilov A.Fayzullayev, N.Ismoilova, R.Karimov. “Selection of promising potato variety samples for the next term”. International journal of biological engineering and agriculture. <https://inter-publishing.com/index.php/IJBEA/article/view/2050>.
6. Lapasov S. S. “Studying and Introducing a Collection of Potato Varieties”. Nexus : Journal of Innovative Studies of Engineering Science ( JISES ). Volume: 01 Issue: 03 | 2022 ISSN: 2751-7578 <http://innosci.org/>.